O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 4 июль, № 127 (3926) Сешанба

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Маълумки, жаҳон хўжалиги иқтисодий интеграцияси миллий бозорлар ва мамлакатлар хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги узвий боғлиқликни англатадиган жараёндир. Шу билан бирга, у турли давлатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракатланиши орқали умумий бозорларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Бу жараёнда инвестицияларни олиб кириш эса катта аҳамият касб этади.



Хорижий сармоялар — халқ хизматида

Мамлакатимизда ҳам жаҳон хўжалик тизимига қўшилиш, яъни интеграциялаш ва очиқ бозор муносабатларини таркиб топтириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида янги стратегия ишлаб чиқилди. Хусусан, 2000 йилда ишлаб чиқилган "Инвестиция дастури"га кўра, республикага илғор технологияларни етказиб бераётган ва халқ хўжалигининг бирлашган тузилмасини яратишга кўмаклашаётган инвесторларга нисбатан "очиқ эшиклар" сиёсати босқичма-босқич юритила бошланди. Бундан ташқари, ўзини ўзи валюта билан таъминловчи ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтирилаётган инвестицияларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорлик тузилмаларига тижорат банклари ҳамда молия ташкилотлари линияси бўйича кредит ресурсларини жалб қилиш механизми ҳам тубдан такомиллаштирилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳар тарафлама ривожланишига, икки ёқлама манфаатли давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг яхшиланишига ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув учун пухта замин яратилишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш ўринларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашда Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Мисол учун, 2005 йилда биргина мамлакатимиз енгил саноат соҳасига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолатисиз тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар миқдори 61.317 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Шундай инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналардан бири — Чирчиқдаги "Бурсель Тошкент текстиль" қўшма корхонасидир. Унинг фаолият кўрсата бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳозирдан жаҳон бозорида харидоргир бўлаётгани унинг истиқболи порлоқ эканлигидан далолат беради. Хусусан, ўтган йили корхонада 4,68 млн. дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, унинг 4,65 млн. донаси экспорт қилинди.

Албатта, жамоада ички бозорни тўлдириш чоралари ҳам кўрилмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги "Олой" бозори ва Чирчиқ шаҳрида унинг 3 та фирма дўкони ишлаб турибди. Етакчи савдо корхоналари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиб, унинг бандлари изчил бажарилаяпти.

Ҳозирда корхонада 1336 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ишчилар муттасил моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Бу эса иш сифати ва ҳажми ошишида қўл келмоқда.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона ҳаётидан лавҳалар.
Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

«Галла — 2006»

Ризқи бекам, нони бутун халқмиз!

Олтин тусда товланган ғаллазорларда ўрим-йиғим шиддати тобора авжига чиқмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларидан йиллик шартнома режалари бажарилганлиги тўғрисида зафар хабарномалари кетма-кет келиб турибди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистонлик ғаллакорлар дон тайёрлаш бўйича шартнома режасини уддаладилар. Қабул пунктларига 75300 тонна сара ҳосил топширилди. Ўрим-йиғим ишларида "Агроинтехника" бирлашмасининг 150 та замонавий комбайни хизматидан унумли фойдаланилгани етиштирилган ризқ-рўзни нес-нобуд қилмай йиғиб олиш имконини берди.

— Эришилган муваффақиятда Элликқалъа, Амударё, Хўжайли, Тўрткўл, Қўнғирот ҳамда Беруний туманлари деҳқонларининг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ф.Эрмонов. — Эътиборли жиҳати шундаки, гарчи шартнома режаси адо этилган бўлса-да, ҳали ҳосили йиғиб олинмаган майдонларимиз кўп. Ниятимиз ўртача ҳосилдорликни 35 центнерга етказишдир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Оролбўйи деҳқонларининг биргина ғаллачиликдан оладиган даромади 8 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда. Меҳнатга яраша манфаатдорлик юқори бўлишидан дарак бу.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қашқадарё

Вилоят ғаллакорлари қабул пунктларига 314 минг тоннадан зиёд сара дон топшириб, бу борадаги шартнома мажбуриятини ошиғи билан уддалади.

Бу йил вилоят миришкорлари эртапишар, воҳа иқлим шароитига мос "Крошка", "Палавчанка", "Краснодар", "Марс-1", "Купава", "Чиллаки" каби навларни танлагани боис мўл ҳосил етиштирилди.

Кейинги йилларда вилоят ғаллачилигида ўзига хос мактаб яратилди. 16 минг 260 та фермер хўжалиги бевосита ғаллачилик билан шуғулланмоқда. Бу йилги улкан хирмонда Нишон туманидаги "Фозил", "Фармонов Ҳайитмурод", Касби туманидаги "Ҳайитмуродов Бекмурод", "Шариф Эшонқулов", "Баракат", "Холмўмин Бобоёров", Косон туманидаги "Ҳазрат ўғли Исмат бобо", "Рамазон ота ўғли Исмоил", Миришкор туманидаги "Муҳсин Фидоев" каби фермер хўжаликлари, шунингдек, қаршилик Азиз Ҳайдаров, Неъмат Раҳматов, яккабоғлик Азизжон Аҳмедов, Дилмурод Жабборов сингари тажрибали фермерларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланмоқда.

А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

Андижон

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришилгандан буён вилоят деҳқонлари дон тайёрлашда пешқадамлар сафида келишмоқда. Ғаллакорлар жорий йилда ҳам ризқ-насибамиз мўл-қўллиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, 247.800 тонналик шартномавий режани уддалашди.

Таъкидлаш жоизки, яратилган хирмонда 4326 та фермер хўжалигининг ҳиссаси катта бўлди. Хусусан, Избоскан туманилик фермер Абдумажид Комилов ўттиз гектар майдонга буғдойнинг "Чиллаки" навини қадаб, ҳар гектардан 66 центнердан ҳосил кўтарди. Шу тумандаги "Неъматжон омади" фермер хўжалиги эса шартномадаги 123 тонна ғаллани тайёрлов пунктларига топшириб, 72 тонна донни аъзолар ўртасида тақсимлаб олди.

Режа уддаланган бўлсада, бироқ ўрим-йиғим ишлари давом этмоқда. Айни чоғда ҳосилдан бўшаган майдонларнинг бир қисмига чорва учун озуқа экинлари экилмоқда. Қолган майдонлар эса келгуси йил ҳосили учун сифатли шудгорланаяпти.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Наманган

Вилоят деҳқонлари 215 тоннадан зиёд сифатли дон тайёрлаб, шартнома режасини адо этдилар. Уйилган ялпи хирмон салмоғи эса 358 минг 600 тоннадан ошиб кетди. Ҳосилдорлик ҳар гектар ер ҳисобига ўртача 48,5 центнерданни ташкил этди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мавсум якунигача бу борадаги кўрсаткич 50 центнердан ошади.

Гарчи бу йилги об-ҳаво шароити экин парвариши учун бироз ноқулай келган бўлса-да, аксарият туманлар деҳқонлари зиммаларидаги топшириқларни сидқидилдан уддалашди. Поп, Учқўрғон, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи ҳамда Чуст туманлари миришкорлари, айниқса, вилоятнинг улкан хирмонига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби, Наманганда ҳам қишлоқ хўжалигида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ернинг ҳақиқий эгалари — фермерлар меҳнати билан ўлчанмоқда. Жорий йилда уйилган ғалла ҳосилининг 85 фоизи ҳам айнан ер соҳиблари томонидан етказиб берилди.

Вилоятда бу йил ғаллачиликнинг ўзидан 39569 миллион сўм даромад қилиниши кутилмоқда. Шундан соф фойда 6627 миллион сўмни ташкил этади. Демак, манфаатдорлик ҳам шунга яраша юқори бўлади.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Кеча Миллий матбуот марказида "Келажак овози — 2006» 2-республика кўрик-танлови доирасида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ёшларнинг танловдаги иштироки хусусида сўз борди.

ИҚТИДОР УЧУН РАҒБАТ

Айтиш жоизки, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг иқтидорли ёшлар учун ўтказадиган ушбу анъанавий танлови жамоатчиликни қизиқтирган қарийб барча йўналишларни ўз ичига олган. Мазкур танлов дастлаб 2005 йилда ўтказилган бўлиб, унинг саралаш босқичларида мамлакатимиз бўйлаб 3 мингга яқин иқтидорли ёшлар иштирок этишганди. Улардан 260 нафари пойтахтда ўтган республика босқичида қатнашган бўлса, турли номинациялар бўйича баҳсларда эса 40 нафар қатнашчи ғолиб деб топилган эди.

Ана шундай муваффақиятлардан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Келажак овози" лойиҳасига республика даражасидаги танлов мақоми берилиб, унда иштирок этувчи томонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш механизми ишлаб чиқилди. Шунингдек, танловнинг Жамоатчилик кенгашига қатор маданият ва санъат, илм-фан арбоблари жалб этилди. Бундан ташқари, шу йилнинг май ойидан бошлаб иқтидорли ёшлар таклифи билан жамғарма қошида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ташкил қилинди. Ушбу марказ танловнинг барча иштирокчиларига ғоя ва лойиҳаларини амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Анжуманда таъкидланганидек, "Келажак овози" танловида 15 дан 25 ёшгача бўлган ёшлар қатнашишлари мумкин. Аризалар шу йилнинг 31 июлигача қабул қилинади.

Муборак ОХУНОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг аграр секторини ташкил этиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Унда бозор шароитига хос бошқарув усуллари қарор топмоқда, қишлоқда хўжалик юритишнинг энг истиқболли ва самарали шакли бўлган фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёзмоқда. Фермерлик ҳаракати самарадорлигининг асосий омилларидан бири илғор технологияларни тўхтовсиз яратиш ва жорий этишдан, ёнилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларни унумсиз сарфлашни қисқартиришдан, буғдой, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли навларини етиштиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида "Пахтачилик ва ғаллачиликка илғор технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизациялаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуида бўлиб ўтган конференция ана шу ва бошқа масалаларни муҳокама қилишга бағишланди.

Конференция қатнашчилари мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қонунчилик асоси яратилганлигини, "Уруғчилик тўғрисида", "Селекция соҳасидаги ютуқлар тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида", "Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, шунингдек, бир қатор бошқа қонунлар қабул қилинган бўлиб, ҳозир улар амалда эканини таъкидладилар.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта ташкил этиш, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар мажмуи ўтган йили катта ижобий натижаларни қўлга киритишга имкон берди. Мамлакатда 3 миллион 700 минг тоннадан ортиқ пахта ва 6 миллион тоннадан кўпроқ буғдой етиштирилиб, давлатга топширилди. Қишлоқ хўжалигида муваффақиятларга эришишга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг илмий асосланган концепцияси ва дастури яратилганлиги ва жорий этилганлиги, юқори ҳосилли пахта навлари яратилиб, қўлланилганлиги, шунингдек, қуруқ ва иссиқ иқлим шароитига яхши мослашадиган янги буғдой навларининг районлаштирилганлиги ёрдам берди.

Деҳқончилик маданиятини яхшилаш ва ҳосилдорликни оширишда қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш базасини модернизациялаш, янги турдаги ТТЗ-80, ТТЗ-100 тракторларини яратиш, шунингдек, такомиллаштирилган сеялкалар, плуглар, юмшатгичлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги мосламаларини ишлаб чиқариш алоҳида роль ўйнади.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини модернизациялашда, айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликка илғор технологияларни жорий этишда фойдаланилмаётган каттакатта имкониятлар ва захиралар мавжуд. Энг аввало, конференция иштирокчилари кўрсатиб ўтганларидек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, органик ва минерал ўғитлардан доимий равишда фойдаланиш, алмашлаб экиш усулини қўллаш зарур. Интенсив деҳқончилик шароитида экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилайдиган экинлар сифатида буғдой ўриб-йиғиб олинганидан кейин дуккакли экинларни (нўхат, мош, соя ва бошқаларни) экиш таклиф қилинди.

Конференция қатнашчилари қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликда селекцияни янада ривожлантириш ва уруғчиликни такомиллаштириш, пахта ва буғдойнинг янги юқори ҳосилли, сув тақчил бўлган, қуруқ ва иссиқ иқлим шароитларига яхши мослашадиган навларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор бердилар.

Конференцияда муҳокама якунлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ҳамда унга илғор технологияларни жорий этишга доир қонунларни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференция ишида сенаторлар, депутатлар, Фанлар академияси ва бошқа илмий муассасаларнинг олимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, илмий-ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

КОМПЬЮТЕР ЎЙИНЛАРИ БЎЙИЧА МАМЛАКАТИМИЗ ЧЕМПИОНАТИ

Ўзбекистонда 2006 йилнинг май-июнь ойларида компьютер ўйинлари бўйича тўртинчи мамлакат чемпионати ўтказилди. Бу беллашув ҳам, ўтган йилдаги каби, «World Cyber Games (WCG)» компьютер ўйинлари бўйича жаҳон чемпионати финал босқичига миллий саралаш турнири вазифасини ўтади. Бу йил мамлакатимиз терма жамоаси октябрь ойининг ўрталарида Италиянинг Монца шаҳрида бўлиб ўтадиган «Grand Final WCG-2006» мусобақаларида иштирок этади.

Дастлаб "WCG-2006 Uzbekistan Preliminary" саралаш турнирининг учта босқичи ўтказилди. Ўзбекистоннинг бешта шаҳри – Бухоро, Самарқанд, Наманган, Қарши ва Тошкентда ҳудудий саралаш турлари бўлиб ўтди. Бу эса пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда ўтказилган турнирларда қатнашиш бўйича барча иштирокчиларга тенг имконият яратди. Шуни таъкидлаш керакки, дунёнинг аксарият давлатларида миллий саралаш турнирларида иштирок этиш пуллик ҳисобланади. Ўзбекистон чемпионатининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда қатнашиш учун пул тўланмайди. Ушбу саралаш турнирида ёши ҳисобга олинган ҳолда ва ўйинига қараб барча хоҳловчилар иштирок этди.

"WCG-2006 Uzbekistan Preliminary" ташкилий қўмитасининг статистик маълумотларига кўра, жорий йилда саралаш турнирларида республиканинг барча вилоятларидан 3000 нафарга яқин геймер қатнашди ва фақат саккиз нафар Ўзбекистон чемпиони Монцага «Grand Final WCG-2006» мусобақаларида иштирок этиш учун боради.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Samsung Electronics" компанияси ҳамда "InfoCOM.UZ" журнали чемпионат ташкилотчилари ва ҳомийлари саналади.

Ҳудудий саралаш турнирлари якунларига кўра, тўртта ўйин бўйича 64 нафар финалчи (жумладан, ҳар бирида беш нафар ўйинчидан иборат саккизта жамоа) аниқланди. Бунинг устига, финалчилар учун 50 фоиз квота Тошкентда ўтказилган ҳудудий турнир учун ажратилди. Чунки ўйинчиларнинг ярмидан кўпи айнан Тошкентда ўзаро беллашди.

Миллий финал босқичи пойтахтдаги Халқаро бизнес-марказда бўлиб ўтди. Марказнинг катта залида 50 та энг замонавий компьютер ўрнатилиб, геймерлар учун барча шароитлар яратилди. Бир кун давомида 64 нафар финалчи орасидан чемпионат ғолиблари ва совриндорлари саралаб олинди. Эртаси куни "Зарафшон" концерт залида расмий мукофотлаш маросими ўтказилди. Ғолиблар ва совриндорларга компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати медаллари топширилди, республика чемпионлари эса Италиянинг Монца шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Вячеслав Югай, Артур Арзанов, Элмурод Нуртоев, шунингдек, Владимир Содиков, Тимур Абдулқосимов, Александр Юдович, Абдуфаррух Мажидов ҳамда Артур Аксанов турли ўйинлар бўйича «Grand Final WCG-2006» жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди.

"Samsung Electronics" компанияси барча ғолиб ва совриндорларга мукофот тариқасида 24 та уяли телефон тақдим этди. "Logitech" компанияси эса профессионал геймерлар учун махсус мўлжалланган компьютер клавиатураси, "сичқонча" ва манипуляторларни топширди.

«World Cyber Games-2006 Uzbekistan Preliminary» саралаш турнири ташкилотчилари ўзбекистонлик кибератлетлар мустақил Ўзбекистон шаънини жаҳон майдонида муносиб ҳимоя қилиб, албатта, мамлакатимиз нуфузини янада юқорига кўтаришига умид билдирди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов иштирок этди.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Сиёсий партиялар:

ТАДБИРЛАР СОНИ ЭМАС, СИФАТИ, НАТИЖАСИ МУҲИМ

ТУРЛИЧА ФИКР

Газетамизнинг аввалги сонларида мамлакатимизда фаолият юритаётган айрим сиёсий партиялар вакилларининг долзарб мавзулардаги турлича фикрларини муштарийларимиз ўқишган, мулоҳаза юритишган эди. Бу гал рукнимиздаги саволларга Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ ҳамда Ўзбекистон Фидокорлар Миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аҳтам ТУРСУНОВ жавоб берадилар.

— Сизнинг партиянгиз ўз электоратини аниқлаб олганми? Жамиятнинг қайси қатлами сизларга кўпроқ хайрихоҳ?

Д. ТОШМУҲАМЕДОВА ("Адолат" СДП):

— Партиямиз аъзоларининг ижтимоий таркибини кузатадиган бўлсак, асосан олий маълумотли зиёлилар — олимлар, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар ва турли соҳа мутахассислари ташкил этади. Шу маънода, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, партиямиз мамлакатимизнинг энг фаол ва жонкуяр фуқароларини бир маслак ва ғоя йўлида бирлаштирган. Айни пайтда мазкур электорат партиянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир.

Уруш ва меҳнат фахрийлари "Адолат" СДП хайрихоҳларининг йирик қисми ҳисобланиб, улар партия тадбирларида фаол иштирок этади, ҳудудий партия ташкилотларимизга ҳар томонлама кўмаклашади. Жойларда бошланғич партия ташкилотлари етакчилигида иш олиб бораётган маҳаллий жамоатчи аёлларни партия электоратининг энг фаол қисми деб аташ мумкин. Ҳозирда хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, уларни "Адолат" СДПнинг мақсад ва вазифалари, ғоялари билан таништириш борасида партия ташкилотларимиз томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Корхона, ташкилот ва маҳаллаларда турли-туман тарғибот-ташвиқот ва хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Партиянинг ҳудудий Кенгашлари қошида фуқаролар қабули уюштирилмоқда. Партиядан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари бевосита ҳудудларга чиқиб, фуқаролар билан учрашмоқдалар. Мақсадимиз битта — хайрихоҳларимиз билан биргаликда партиянинг ижтимоий асосини ташкил этган ўртаҳол аҳоли қатламларининг сиёсий ва ижтимоий иродаларини ифода қилиш. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга кўмаклашган ҳолда, ижтимоий адолат тамойилларига қатъий амал қилиб, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз хатти-ҳаракатларимизнинг бош мезони этиб белгилаганмиз.

Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВ ("Миллий тикланиш" ДП):

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятининг илк даврлариданоқ, асосан аҳолининг зиёлилар қатламига суянади, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Қабул қилинган Уставда зиёлилар қатлами партиянинг асосий электорати сифатида эътироф этилди.

Зиёлилар деганда, кўпчилик фақатгина ижодкорлар, олимлар, ўқитувчию шифокорларни тушунади. Бу унчалик ҳам тўғри эмас. Биз зиёлилар деганда, ижтимоий мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, миллий истиқлол ғояларига йўғрилган илғор қарашли, зиёли фикрга эга бўлган, халқ корига ярашни ният қилган фуқароларни тушунамиз, уларни партиямизнинг асосий маслакдошлари деб ҳисоблаймиз.

Партия аъзолари орасида шундай қатлам ҳам борки, биз уларни партия хайрихоҳлари деб атаймиз. Хўш, уларга кимларни киритиш мумкин? Ҳали партиямизга аъзо бўлиб улгурмаган, аммо "Миллий тикланиш" мақсадларини билвосита қўллаб-қувватлайдиган зиёлилар, тадбиркорлар, талаба ва ўқувчи ёшлар. Биз доимо улар билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қиламиз, уларни ҳурмат қиламиз, маслаҳатларига таянамиз.

Жамоатчилик орасида ўтказилган охирги сўровлар ҳам "Миллий тикланиш" партияси хайрихоҳлари сони кундан-кунга ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Охирги маълумотларга кўра, партиямиз электоратининг деярли қирқ фоизини ёшлар ташкил этади. Эртанги келажагимиз эгаларининг бугунги сиёсий ҳаётимизга қизиқиш билдиришлари ва унда фаол иштирок этишлари, албатта, жуда қувонарли ҳол.

А. ТУРСУНОВ (FMDP):

— Албатта, ҳар қандай сиёсий партия, аввало, электоратини аниқ белгилаб олгандан сўнггина майдонга чиқади. Бинобарин, FMDP ҳам фаолиятининг мақсад ва вазифаларини ўзи танлаган электоратининг кучи, салоҳияти, шижоату фидойилигига суянган ҳолда бошлаган. Биласизки, қалби қайноқлик, орзумандлик, ҳурфикрлилик, софдиллигу беғуборлик, шижоат каби фазилатлар кўпроқ ёшларга хос хусусиятлардир. Партиямизнинг асосий электоратини соғлом фикрловчи, Ватан ва халқ манфаатлари йўлида ғайрат-шижоат кўрсатувчи, янгилик ва яратувчиликка интилувчи, миллий истиқлол ғояларига содиқ шахслар, жамиятнинг турли бўғинлари, айниқса, ёшлар ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари ташкил этади. Чунки ҳар бир мамлакат келажагини, эртанги кунини етук билимли, юксак маънавиятли ёшларсиз тасаввур этолмайди. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришдан мақсад ҳам шунга йўналтирилган.

Партия ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда, энг аввало, ёшларга суянар экан, демак, ҳар бир амалга оширажак амалларимизнинг индаллоси ҳам ёш авлод тақдирига бориб тақалиши табиий. Биз бу борада қуйидаги: мактаб таълимини ривожлантириш, ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, қаровчисини йўқотган болалар тарбиясига жамоатчилик асосида меҳр-мурувват кўрсатиш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши курашиш, уларни ақидапарастлар хуружларидан ҳимоя қилиш, юксак ахлоқни шакллантириш, касбий тайёрлашнинг имтиёзли марказларини ташкил қилиш, замонавий билим олиш учун шароит, иш билан таъминлаш, қишлоқ мактабларига малакали педагогларни жалб қилиш, қишлоқ ҳудудларида меҳнат ярмаркаларининг мунтазам ташкил қилиб борилишига эришиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, ёшларни оғир меҳнатдан халос этиш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби режаларимизга таяниб, барча соҳа вакиллари, таълим муассасалари, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида иш олиб бормоқдамиз.

— Партиянинг бошқа партиялар билан блокка бирлашишини қандай изоҳлайсиз?

Д. ТОШМУҲАМЕДОВА:

— Парламент сайловларидан сўнг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фидокорлар Миллий демократик партияси ва "Адолат" социал-демократик партияси фракциялари Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўзаро ягона иттифоққа бирлашиб, "Демократик кучлар блоки" тузилганини эълон қилди. Фикримча, демократик кучлар блокига бирлашиш партиямиз манфаатларига тўлиқ мос келади. Буни айрим сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Тан олиш керакки, охирги сайловларда бизнинг партиямиз Қонунчилик палатасида озчилик ўринни эгаллаган. "Адолат"чилар парламент қуйи палатасида 10 кишидан иборат депутатлар фракциясига эга. Бундай шароитда сайловчилар эътиборига тақдим этилган партиявий дастурни амалга ошириш учун блокдаги сиёсий кучлар билан биргаликда ҳаракат қилиш кўзланган мақсадга етиш имкониятини беради.

Демократик кучлар блоки аъзоси сифатида партиямиз сайловолди кампанияси давомида ўзи ваъда қилган бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва ягона блокдаги қолган икки маслакдош партияларнинг ушбу қонун лойиҳаларига тарафдор сифатида овоз беришларига эришиши мумкин. Янги блок ҳар қандай мафкуравий қарашлардан холи бўлиб, у мамлакатимизда эркин, демократик фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнига кўмаклашишни ўзининг бош мақсади деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоизки, фракция блокка бирлашганидан сўнг профессионал парламентга хос тарзда қонунчилик ташаббуси билан ҳаракат қилди. Ўтган йилнинг ўзида фракция томонидан 38 та қонун лойиҳаси бўйича уч юздан ортиқ таклифлар киритилди. Қабул қилинган аксарият қонунларни такомиллаштиришда фракция билдирган таклифлар эътиборсиз қолдирилмади. Хусусан, "Халқаро шартномалар тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, Қонунчилик палатасига тақдим этилди, "Тиббий фаолият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси "Адолат" СДП ва ЎзЛиДеП фракция аъзолари томонидан ишлаб чиқилди.

"Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам палата муҳокамасига киритиш жараёнида турибди. Бу қонун лойиҳаси шу йилнинг февраль ойида фракциямиз аъзолари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида дори воситалари муомаласининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзуидаги амалий конференциянинг натижаси бўлди, дейиш мумкин.

Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВ:

— Сиёсий партияларнинг турли блокларга бирлашиши амалиётда кўп учрайди ва бунинг ажабланарли жиҳати йўқ. Аксинча, муштарак мақсадлар йўлида бирлашиш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Дунё тажрибаси буни кўп марта исботлаган.

Сиёсий партия реал шароитда фаолият кўрсатади, демак, мавжуд шароит талабларидан келиб чиқиб, ўз мақсадларини, йўналишларини белгилайди. Агар вазият тақозо қилса, бир сиёсий партия бошқа партия билан блокка кириши мумкин. Бу сиёсий ҳаётда табиий ҳол. Лекин ҳозиргача Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бошқа сиёсий бирлашмалар билан бундай иттифоққа бирлашгани йўқ.

А. ТУРСУНОВ:

— Партиямизнинг сиёсий мақсадлари уч устувор йўналишга, яъни эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик, ҳуқуқий давлат қуриш ҳамда очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқ турмуш даражасини ривожланган давлатлар ва халқлар даражасига кўтариш, мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллашига қаратилган экан, албатта, бу борада қайсидир сиёсий партиянинг ғоя ва истаклари билан ҳамоҳанг мустаҳкамланиб бориши табиий ҳол.

Тўғри, кўтариб чиқаётган айрим ғоя ва таклифларимиз бир-бирига муштараклиги туфайли 2005 йил 15 февралда Тошкент шаҳрида FMDP, OzLiDeP, "Адолат" СДП бир демократик блокка бирлашиш хусусида Битим имзоланди. Бундан мақсад — куч ва имкониятларни умумлаштириш орқали кўпчилик овозига эга бўлиш, натижада эса, инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш; мамлакатни модернизациялаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодиётни қарор топтиришга қаратилган муҳим дастурларни амалга оширишни таъминлашдир. Бу борада блок ўзининг асосий йўналишларини белгилаб олган. Яна шуни эътироф этиш жоизки, демократик блок атрофида сиёсий партиялар ўз ғоялари устида аниқ бир кўламга келишиб олиши учун унда соғлом рақобатнинг мавжудлиги муҳим рол ўйнайди.

— Партиянгизнинг маҳаллий Кенгашлар билан алоқаси ҳақида нималар дея оласиз?

Д. ТОШМУҲАМЕДОВА:

— Шу йилнинг 17 мартида бўлиб ўтган партия Сиёсий Кенгаши V Пленумининг қарорларида партиядан сайланган маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолиятини жонлантириш борасида муҳим вазифалар белгилаб олинди. Ўтган давр мобайнида бу соҳадаги ишлар анча жонланди. Маҳаллий депутатларнинг ҳудудий партия Кенгашлари билан алоқалари ўрнатилди. Депутатлар ўз ҳудудларидаги фаолиятлари ҳақида партия Кенгашига мунтазам равишда маълумот бериб туриши йўлга қўйилди. Шунингдек, улар партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган ташвиқот-тарғибот ва хайрия тадбирларида фаол иштирок этишмоқда. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: Пахтаобод туманидаги Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Муаззинбой маҳалласида вилоят ва туман Кенгаши депутатларининг аҳолини газ билан таъминлаш муаммоси бўйича таклифи ижобий ҳал этилиб, қишлоққа янги газ қувурлари ўтқазилди.

Хоразм вилояти Кенгаши депутати Д. Собирова ва туман Кенгаши депутати Ғ. Йулдошевалар томонидан ўрта мактабларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, фуқаролар, шу жумладан, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича зарур таклифлар киритилган. Бундай ҳолатларни Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари халқ депутатлари фаолиятларида ҳам кузатиш мумкин.

Тўғри, 174 нафар маҳаллий депутатга эга бўлган партиямиз учун маҳаллий депутатлар томонидан киритилаётган таклифлар кўлами етарли даражада эмас. Бу камчиликларни тузатиш, депутатларнинг ташаббускорлигини, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида турли мавзудаги семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шу йилнинг апрель ойида Китоб шаҳрида Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида партиямиздан сайланган депутатлар, бошланғич ташкилотларимиз фаоллари иштирокида ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари нафақат партиямиз фаолиятига доир, балки жойлардаги бир қатор муаммоларни ҳам ўртага ташлашди. Унинг ечимига оид турли фикр ва мулоҳазаларни билдиришди, ўз таклифларини баён этишди.

Бухоро шаҳрида ўтказилган худди шундай мулоқотда Бухоро ва Навоий вилоятларидаги фаолларимизнинг жонбозлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шундай тадбирларни Фарғона вилоятида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз. Албатта, бу каби учрашувлар партияни халққа яқинлаштирмоқда, халқнинг бизга бўлган ишончи ва умидларини мустаҳкамламоқда.

Шу билан бирга, фаолиятимизнинг мазкур қиррасини такомиллаштириш, маҳаллий депутатлар ишини яхши йўлга қўйиш борасида ўз таклифларимизни ишлаб чиққанмиз. Уларнинг қисқача мазмунига тўхталадиган бўлсак, аввламбор, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг фаоллигини ошириш юзасидан тегишли режалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш керак. Қолаверса, жойларда маҳаллий кенгаш депутатлари ташаббуси билан сиёсий партиялар, фуқаролар йиғинлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик, меҳнат муносабатлари, коммунал ва қурилиш масалалари, ижтимоий ҳимоя, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича жамоатчилик назорати гуруҳларини ташкил этиш кечиктириб бўлмас вазифага айланган. Зеро, мазкур гуруҳлар ўз иш фаолиятлари бўйича Сенат ва Қонунчилик палатаси қўмиталарига маълумот етказиб беришни таъминлайдилар.

Х. ДЎСТМУҲАМЕДОВ:

— Сўнгги бир ярим йил партиямизнинг айнан жойлардаги маҳаллий кенгашлари фаолиятининг жонланиш даври бўлди, десам асло муболаға бўлмайди. Масалан, Сирдарё, Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Наманган каби вилоятлардаги маҳаллий кенгашлар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва маданий-маърифий соҳаларда жуда кўплаб амалий тадбирлар ўтказди. Ва жойларда аҳоли бунинг таъсирини сезмоқда, "Миллий тикланиш" ғояларини ўз мақсадлари билан муштарак билмоқда. Охирги йилларда партиямиз аъзолари сони бирмунча кўпайгани ҳам фикримнинг яққол далили бўла олади.

"Миллий тикланиш"чилар сафи тобора ортиб бораётганлигида ҳам айнан шу маҳаллий кенгаш фаолларининг роли жуда катта. Масалан, етмиш ёшга кирса-да, тиниб-тинчимаётган партиямизнинг Сирдарё вилояти кенгаши аъзоси Абдуллажон Турдиқулов, Наманган вилояти кенгаши депутати Фахриддин Шарипов, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани кенгаши раиси Матлуба Иброҳимова, Марказий кенгаш аъзолари Ортиқали Қозоқов, Лола Саидова каби фаолларимизнинг фидойиларча меҳнати жамоатчилик орасида партиямизнинг обрўси кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Тўғри, барча вилоятлар, туман ва шаҳарларда аҳволни бирдай, деб айта олмаймиз. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар корпусини янада фаолликка чорлаш, уларнинг фаолиятини жонлантириш борасида ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Бу — давр талаби. Чунки маҳаллий депутатлар халққа яқинроқ, халқ нимани ўйлаётгани, жойлардаги муаммою камчиликлар нималардан иборатлигини яхшироқ билишади. Лекин барча вилоятларда ҳам маҳаллий кенгашга сайланган депутатлар сони бирдек эмас. Мисол учун, Фарғона вилоятида шаҳар, туман кенгашларига сайланган депутатлар сони 36 нафар бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич Бухоро вилоятида бор-йўғи 2 нафарни ташкил этади. Кучларнинг бундай тақсимоти эса барча ҳудудларда ҳам бирдай фаоллик кўрсатиш имконини бироз чеклайди.

Ҳарқалай, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳаракатсиз турганлари йўқ, имкон қадар халқнинг оғирини енгил қилишга интилишмоқда. Айрим мисолларга тўхталиб ўтсам. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати Абдуқаюм Каримовнинг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида йўловчи ташиш транспорти (шахсий "Дамас"лар)да йўл ҳақи миқдори камайтирилди. Наманган вилояти кенгаши депутати Фахриддин Шарипов эса вилоятнинг энг катта бозори бўлган "Чорсу" деҳқон бозорини реконструкция қилиш ташаббуси билан чиқди. Ахир, яхши ишнинг, яхши амалнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳамма гап уни қила билишда. "Миллий тикланиш"чилар эса буни сира канда қилишмайди!

А. ТУРСУНОВ:

— Очиғи, ўтган сайлов жараёнларида ҳудудий кенгашлардаги оқсашлар яққол сезилиб қолди. Партия бошланғич ташкилотларидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун биринчи навбатда партия фаолиятига муносиб кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйишга эътибор қаратдик. Туман, шаҳар кенгашлари котиблари ва фаол аъзоларини махсус илмий-амалий семинарлар асосида қайта тайёрлашга киришдик. Чунки партиянинг асосий чўғи бу бошланғич партия ташкилотларидир. Аҳоли ўртасидаги ҳар қандай вазиятдан марказдан аввал улар хабар топадилар. Шуни инобатга олиб, жойларда маҳаллий кенгаш депутатлари ва FMDP Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасидаги ҳамкорликка оид ташкилий масалаларни обдон, қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Айни кунда FMDP МК ва маҳаллий кенгаш депутатлари партия дастур ва низомидан келиб чиқиб, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни иш билан таъминлаш, ёшлар ва тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бола тарбиясида оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш масалалари устида ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Республика микёсида ўтказилган фестиваллар ва акциялардан жамғарилган маблағ ҳисобидан FMDP МК раҳбариятининг қарорига мувофиқ, олис қишлоқларда спортни ривожлантириш мақсадида 110 та туман бўйича 660 та мини футбол, волейбол ва спорт гимнастика майдончалари барпо этилиб, спорт анжомлари ва мосламалар билан таъминланди. FMDP МК ва "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ёшлар тадбиркорлиги" мавзусида республика ёш тадбиркорларининг иқтисодий форуми ўтказилди. Аммо шу ўринда яна такрор айтаман, биз учун тадбирларнинг сони эмас, сифати ва натижаси муҳим бўлмоғи шарт.

Бугунги давр ҳар биримиздан фидойиликни талаб этади. Зеро, ҳар бир миллат, ҳар бир мамлакат учун бундай эҳтиёжнинг туғилиши табиий. Масалан, японлар "Ўзим учун эмас, Японият учун" деган шиорни устун қўйишади. Демак, ҳар бир япон ўзининг шахсий эҳтиёжларини ўз мамлакати тараққиёти орқали қондиришни афзал кўради. Бу — жуда катта миллий жасорат! Айнан халқимиз қаҳрамонлари феъл-атворида, хатти-ҳаракатларида, жасоратларида миллат тақдири, юрт соғинчи, изтироблари бундан-да баланд туйғуларда акс этадики, уларнинг миллий қаҳрамон даражасига кўтарилганлиги ҳам шундандир. Жалолиддин Мангубердининг Чингизхон босқинига қарши кураши, Ватан озодлиги, юрт тинчлиги борасидаги жасорати инсоният тарихида кам учрайди. Ёв устидан бир неча бор ғалаба қилса-да, охири Чингизхоннинг ҳийласи панд бергач, онаси, хотини ва фарзандлари душман қўлида хўрланмаслиги учун орият кучлилигидан, нафсоният баландлигидан ўз қўли билан уларни дарёга оқизиб юборгани буюк жасорат эди.

Биз ёшлар тарбиясида ана шундай миллий қаҳрамонлик туйғусини уйғотиш устида кўпроқ бош қотиришимиз, тарихимиз силсилалари акс этган асарлар, қўлёзмалар, ўқув дарсликлари, ҳужжатли ва бадиий фильмлар асосида улар онгишуурида маънавий-маданий, иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий соҳаларда мукаммаллик ва уйғоқликни шакллантирмоғимиз лозим.

«Халқ сўзи» мухбири Зиёда АШУРОВА тайёрлади.

Парламент ҳаёти

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Европа Иттифоқи Комиссиясининг ЕвропЭйд дастури доирасидаги "Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш" лойиҳаси ҳамкорлигида амалий семинар ташкил этилди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АДОЛАТ ОМИЛИ

Етим болалар ва ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистон қўшилган ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган мазкур семинарда қуйи палата депутатлари, турли вазирлик ва муассасалар, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари, БМТнинг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ходимлари, лойиҳа экспертлари иштирок этди.

Семинарда Қашқадарё вилоятида етим болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилишга оид назорат-таҳлил фаолияти натижалари хусусида сўз юритилди. Сўзга чиққанлар вилоятда етим болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш амалиёти ва бу борадаги мавжуд ҳолат ҳақида маълумот бериб, бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

Айтиш жоизки, республикамиз аҳолисининг 44 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Улар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатилиши ҳуқуқига эгадирлар. Вояга етмаганлар ҳуқуқларининг кенг маънодаги кафолатлари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда батафсил баён қилинган. Мамлакатимиз ушбу конвенцияга 1992 йилда аъзо бўлгандан буён ўтган давр мобайнида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тўла амал қилиб келмоқда. Айниқса, ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ижтимоий муҳофаза қилиниши доимий эътиборда дадир.

ЭКСПОРТ — МИЛЛАТ ШАЪНИ

Парламент қуйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати маҳсулот экспорт қилишни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, амалиётга жорий этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари мавзусига бағишланди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётида маҳсулот экспорти муҳим ўрин тутади. Ана шуни инобатга олган ҳолда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон улкан табиий бойлик заҳираларига ҳамда сармоя ва экспорт салоҳиятига эгадир. Шу боис давра суҳбатида республикамизда ушбу салоҳиятни ривожлантириш ва амалиётга татбиқ этиш масалалари хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, 2005 йилда четга маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг ўсиши юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилаётган ютуқларнинг натижасидир. Айни пайтда маҳсулотнинг умумий экспортида тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошди. Бу эса, ташқи савдода мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткич — 1,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ижобий сальдога эришиш имкониятини берди.

Тадбирда мамлакатимизда ташқи иқтисодий алоқалар сиёсати ва уни ривожлантириш масалалари, экспортни ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини кучайтириш ҳамда ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ҚОНУН ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, мазкур Қонун асосида вилоятда муайян ишлар амалга оширилган. Бироқ вилоят халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги, саноат, энергетика, балиқчилик ва бошқа эҳтиёжлар учун ажратилган сув ресурсларидан белгиланган мақсадларда тежамкорлик билан фойдаланишда ижобий ишлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам борлиги таъкидланди.

Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳудудда деҳқончилик қилинадиган ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз ҳамда умумий ер майдонининг 50 фоизини шўрланган ерлар ташкил этади. Бунинг сабаби хўжаликлараро ва ички хўжалик сув ҳамда зах қочириш тармоқларининг носозлиги, уларни белгиланган муддатларда тозаланмай қолаётганидир.

Мажлисда ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилди ҳамда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Чорвачилик соҳаси қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, шу асосда оилалар даромадини оширибгина қолмай, ички истеъмол бозорини гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш баробарида жойларда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

— Юртбошимиз томонидан қабул қилинган ушбу Қарор кўпчилик фермерлар қаторида жамоамиз томонидан ҳам илиқ кутиб олинди, — дейди Оққўрғон туманидаги "Илҳом" фермер хўжалиги раҳбари Илҳом Турсунбоев. — Чорва — етти хазинанинг бири, у — қутбарака рамзи. Ушбу ҳужжатга кўра, чорвадорларга кўплаб имтиёзлар берилгани ҳамда кам таъминланган оилаларга бир бош сигир бериш кўзда тутилгани айни муддао бўлди. Яқинда хўжалигимиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, кам таъминланган Ўткир Эркулов оиласига соғин сигирни бузоғи билан ҳадя этдик.

СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари И. Турсунбоев ўз ҳадясини туҳфа этмоқда.

П. ЭРГАШЕВ олган сурат.

Натижалар ҳали маълум эмас

Якшанба куни Мексика президентлиги ҳамда мамлакат парламенти учун сайловлар ўтказилди. Кузатувчиларнинг сўзларига қараганда, сайловчилар жуда фаол иштирок этишган. Миллий ҳаракат партиясидан Фелипе Кальдерон ҳамда Инқилобий-демократик партиясидан Андрес-Мануэль Лопес Обрадор мамлакат раҳбарлиги учун кураш олиб боришди. Гарвард университетини томомлаган иқтисодчи ва ҳуқуқшунос, 43 ёшли Кальдерон эркин савдо ҳудуди ҳамда хорижий инвестиция жалб қилиш тарафдори. Унинг сиёсий рақиби 52 ёшли Адрес Мануэль Лопес Обрадор сайловолди учрашувларида Шимолий Америка ҳудудида савдони эркинлаштиришга қарши эканлигини бир неча бор таъкидлаган. Бундан ташқари, у ўз юртдошларига америкалик тадбиркорларни Мексика бозорларига киритмасликка ваъда берди.

Иккала номзод ҳам сайлов натижалари эълон қилинмасдан ўзларининг ғалаба қилганликлари тўғрисида баёнот бериб улгуришди. Тадқиқотчиларнинг башорат қилишича, номзодлар йиққан овозлар ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас.

«Рейтер» ахборот агентлигининг хабар тарқатишича, Исроил ҳарбий ҳаво кучларига тегишли вертолётлар Ғазо секторида жойлашган ХАМАС ҳаракати идорасига ракета зарбаларини берган.

Ҳарбий чоралар кучайтирилаяпти

Бироқ ҳозирча жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ. Жорий йил 25 июнь куни Исроил армиясининг 19 ёшли капрали Гилад Шалит жангарилар томонидан гаровга олинганди. Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт уни қутқариш учун Ғазо секторида ҳарбий чораларни кучайтиришга кўрсатма берди. Расмий Тель-Авив ушбу гаровга олишнинг орқасида айни пайтда Сурияда яшаётган ХАМАС сиёсий бюроси раҳбари Халед Машал турган деб ҳисобламоқда.

Янги конституция учун сайлов

Якшанба куни Боливияда мамлакатнинг янги Асосий қонунини ишлаб чиқадиган конституцион ассамблеяга сайловлар бўлиб ўтди. 250 нафар депутатдан иборат ассамблеянинг биринчи йиғилиши жорий йил август ойида ўтказилиши режалаштирилаяпти. Улар ярим йил муддатда мамлакат конституциясини қайтадан ишлаб чиқадилар, шундан сўнг ушбу масалада умумхалқ референдуми ўтказилади.

Жорий йил январь ойидан иш бошлаган мамлакат Президенти Эво Моралес миллий иқтисодиётда давлат ролини ошириш ва ҳамма учун ошкора сиёсат юритишни ваъда қилмоқда. Ҳозирда Моралес хорижий компаниялар томонидан эгалик қилиб келинаётган мамлакатдаги нефть ва газ конларини давлат ихтиёрига ўтказиш борасида жиддий сиёсат юраяпти. Айни пайтда Боливиядаги энергетика билан шуғулланувчи хорижий компанияларга мамлакатдан чиқиб кетиши учун ярим йил муддат берилган.

Қидирув эълон қилинди

Ироқ ҳукуматининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Муваффақ Рубаи ҳозирда Иорданияда яшаб келаётган Саддам Ҳусайннинг қизи Рагад ва хотини Сожидага нисбатан яқинда қидирув эълон қилинганлигини билдирди. Бунга жавобан Иордания ҳукумати собиқ диктаторнинг қизи ва хотини қироллик оиласи ҳимоясида эканлигини расман маълум қилди.

16. RAGHAD SADDAM HUSAYN

Ироқ ҳукумати томонидан эълон қилинган қидирувда жами 41 шахснинг исми-шарифи қайд этилган. Улар орасида Саддам Ҳусайннинг собиқ ўринбосарлари ва «Ал-Қоида»нинг янги етакчиси ҳам бор. «Бизнинг ушбу рўйхатни эълон қилишдан мақсадимиз ироқликларга ўзларининг душманлари ким эканликларини билдиришдан иборатдир» дея интервью берди Муваффақ Рубаи. Манбада айтилишича, расмий Бағдод Иорданияга шу пайтга қадар бирор маротаба ҳам гумондор шахсларни топшириш талабини қўймаган.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар



Рубль халқаро валютага айланадими?

Россияда мамлакат миллий валютаси бўлган рублни конвертация қилишдаги охирги чекловлар ҳам олиб ташланди. Иқтисодий таҳлилчиларнинг башорат қилишича, валюта операцияларининг эркинлаштирилиши мамлакатга кириб келаётган хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайтиради. Мамлакат молия вазири Алексей Кудриннинг ишонч билан таъкидлашича, чекловнинг олиб ташланиши дунё молия бозорида рублнинг халқаро валютага айланиши ҳамда Россия мавқеини мустаҳкамлашга катта ёрдам беради. «Менинг фикримча, яқин беш йил давомида рубль дунёнинг ҳар бир мамлакатида ишончли валютага айланади», — дея интервью берди Алексей Кудрин.

Эндиликда россияликлар дунёнинг исталган банкида рублда ўзларининг ҳисоб рақамларини очиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, хориж компаниялари дунё биржаларида Россия нефти ва газини бошқа халқаро валюталар қатори рублда ҳам сотиб олиши мумкин.



Астероид Ер яқинидан ўтиб кетди

Кеча эрталаб унчалик катта бўлмаган астероид Ер шарига яқин масофадан ўтиб кетди. Астрономларнинг билдиришича, табиатнинг бу ҳодисасидан ташвишга тушишга ҳожат йўқ, чунки у сайёрамизни четлаб ўтган. Америкалик самошуносларнинг сўзларига қараганда, ушбу кичик сайёра Ердан 433 километр узоқликдан ўтиб кетган.

Диаметри 410 метрдан 920 метргача бўлган «2004 XP14» номли мазкур астероид 2004 йил 10 декабрда Массачусетс технологиялар институти қошидаги Лексингтон лабораторияси олимлари томонидан кашф этилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«МЕДИОФАРМ»
ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ
Сизларга соғлиқ-саломатлик тилаймиз!
Истагимиз – ҳеч қачон бизнинг дори-дармонларимизга муҳтожлик сезманг.

Катта ҳаётга йўлланма

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларида битирувчи талаба ҳамда ўқувчиларга диплом топшириш маросимлари ўтказилмоқда.

Боровский номидаги Тошкент шаҳар тиббиёт коллежининг ана шундай тадбири Ўзбек Миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтди. Унда мазкур илм даргоҳининг ўқитувчи ва мураббийлари, ўқувчиларнинг ота-оналари ҳамда турли идоралардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этди.

Ўрни келганда айтиш жоизки, Тошкент шаҳар тиббиёт коллежида ўқувчиларга "Ҳамширалик иши", "Акушерлик иши", "Даволаш иши" ва "Фармация" йўналишлари

Тадбир

бўйича таълим берилади. Ҳар йили мазкур илм даргоҳини битирган ёшларнинг аксарияти касб фаолиятларини бошлаб юборишса, бир қисми билимларини янада бойитиш мақсадида олий ўқув юртларида таҳсил олишга киришишади. Жорий йилда коллежни 1037 нафар ўқувчи тугаллади. Шулардан 250 нафари имтиёзли диплом олишга муяссар бўлди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, хусусан, ўқувчи ва уларнинг ота-оналари устозларга билим берганликлари учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Ҳукуматимиз томонидан ёшларнинг пухта илм олишлари учун барча шароитлар яратиб берилганини таъкидлаб, ана шу ғамхўрлик ва эътибор келажакда, албатта, ўз мевасини беришига ишонч билдиришди.

Ш. ОРТИҚОВ.

Варшавада таниқли поляк рассоми Станислав Познаньский-нинг «Самарқанд жилолари» кўргазмаси очилди. У «Осиё ва Тинч океани» музейи томонидан мамлакатимизнинг Польшадаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Варшавада Самарқанд жилолари

Поляк рассомининг суратлари ўтган асрнинг 60-70 йилларида Ўзбекистонга қилган сайёҳати чоғида яратилган. Познаньский ўз асарларида халқимизнинг кундалик ҳаёти, меъморчилик санъати ёдгорликлари, табиати ва шаҳарлари манзараларини акс эттирган. Экспозициядан ўзбек халқ усталари ишлаб чиқарган сопол буюмлар ва ипак матолардан тайёрланган кийим-кечаклар ҳам ўрин олган.

Кўргазманинг очилиш маросимида вазирлик ва идоралар, ишбилармон доиралар ва мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари ҳамда Польша маданияти ва санъати намояндалари иштирок этди.

— Ушбу кўргазма икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади ҳамда поляк жамоатчилигини ўзбек халқи маданияти ва анъаналари билан яқиндан танишишга имконият яратади, — деди ўз чиқишида «Осиё ва Тинч океани» музейи директори А.Вовжиняк.

Кўргазма поляк жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

"Жаҳон" АА.

Илмий ва лойиҳалаштириш ташкилотлари, компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

юкларни етказиб бериш назоратини автоматлаштирувчи «Импорт-Авто» ва «Экспорт-Авто» дастурий таъминотини яратиш бўйича танлов эълон қилади

Танловда web-технологиялари ва маълумотлар базасини бошқарув тизимлари асосида йирик ташкилотларга дастурий таъминотларни ишлаб чиқишда ижобий тажрибага эга бўлган компаниялар иштирок этишлари мумкин.

Иштирокчи компаниялар ахборот технологиялари соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлиши шарт.

Таклифларни тақдим этиш муддати — 2006 йил 15 июлгача.

Маълумотлар ва техник талаблар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига Тошкент шаҳар, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 3-уй манзилига мурожаат қилиш мумкин.

Телефонлар: 120-76-00, қўшимча: 28-71, 28-56.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган



турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИДА БАКАЛАВРЛАР ВА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН 1-КУРСГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

I. БАКАЛАВРИАТ, КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

1. **Касб таълими йўналишлари:**
   - ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) (ўзбек ва рус тилларида);
   - техник соҳа (ўзбек ва рус тилларида);
   - озиқ-овқат технологияси (ўзбек тилида);
   - тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси (ўзбек тилида);
   - нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (ўзбек тилида).
2. **Бизнес, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари йўналишлари:**
   - менежмент (соҳалар бўйича) (ўзбек ва рус тилларида);
   - технологик машиналар ва жиҳозлар (ўзбек тилида);
   - нефть ва газ иши (ўзбек ва рус тилларида);
   - бинолар ва иншоотлар қурилиши (ўзбек тилида);
   - тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси (ўзбек тилида);
   - электр энергетикаси (ўзбек тилида);
   - тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси (ўзбек тилида);
   - нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (ўзбек ва рус тилларида);
   - озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) (ўзбек тилида);
   - енгил саноат маҳсулотлари технологияси (ўзбек тилида).

II. БАКАЛАВРИАТ, МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМГА:

1. **Касб таълими йўналишлари:**
   - *ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) (ўзбек тилида);*
   - *техник соҳа (ўзбек тилида).*

Абитуриентлардан қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: ректор номига ариза, аттестат ёки диплом иловаси билан (асл нусхаси), 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см.ўлчамли 6 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма (махсус сиртқи бўлим учун), фуқаролик паспортидан нусха.

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Махсус сиртқи бўлимга фақат ўрта-махсус маълумотли ва камида уч йил амалий педагогик иш стажига эга бўлган фуқаролардан ҳужжатлар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. Йўналишлар бўйича тест синовлари кундузги ва махсус сиртқи бўлимларда 1 августда қуйидаги фанлардан ўтказилади:

1. Ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) ва менежмент (соҳалар бўйича) йўналишлари учун: математика — 3.1, чет тили — 2.1, она тили ва адабиёти — I.I.
2. Касб таълими (техник соҳа), электр энергетикаси, технологик машиналар ва жиҳозлар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси, бинолар ва иншоотлар қурилиши, нефть ва газ иши, енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналишлари учун: математика — 3.I, физика — 2.1, она тили ва адабиёти — I.I.
3. Озиқ-овқат технологияси, тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси, нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси йўналишлари учун: кимё — 3.1, математика — 2.1, она тили ва адабиёти — I.I.

III. МАГИСТРАТУРА:

- *менежмент (соҳалар бўйича) (ўзбек тилида);*
- *тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича) (ўзбек тилида);*
- *озиқ-овқат саноати машиналари ва агрегатлари (ўзбек тилида);*
- *тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари (ўзбек тилида);*
- *нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси (ўзбек тилида);*
- *йигирув технологияси (ўзбек тилида);*
- *тикув маҳсулотлари технологияси (ўзбек тилида);*
- *қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар (ўзбек тилида);*
- *ёғларни қайта ишлаш технологияси (ўзбек тилида);*
- *ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси (ўзбек тилида);*
- *дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, дастлабки ишлов бериш (ўзбек тилида);*
- *нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш (ўзбек тилида);*
- *вино ишлаб чиқариш технологияси (ўзбек тилида);*
- *умумий овқатланишни ташкил этиш ва унинг технологияси (ўзбек тилида).*

Магистратурада ўқиш фақат кундузги шаклда амалга оширилади.

Магистратурага кирувчилар 1 июлдан 30 июлгача қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари талаб қилинади: ректор номига ариза, олий маълумот тўғрисидаги диплом иловаси билан (асл нусхаси), 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат, фуқаролик паспортидан нусха.

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Магистратурага кирувчилар танлаган мутахассислиги бўйича билим даражасини белгиловчи махсус фанлардан ҳамда «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари» фанидан кириш синовлари топширадилар.

Магистратурага кириш синовлари 3 — 10 август кунлари ўтказилади.

Институт манзили: Бухоро шаҳри, Қ.Муртазоев кўчаси, 15-уй, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг 1-ўқув биноси. Телефонлар:223-61-97, 223-74-36.

Ажаб ҳангомалар

Шу кеча-кундузда Денов телевидениеси ва «Сурхон садоси» радиоканали гўё мусобақалашаётгандек, Рустам Боймуродовнинг «Асқоргул-5» препаратини реклама қилиш билан овора. Шунинг учун бўлса керак, Денов улгуржи бозоридаги сандиқфурушлик дўкони устида жойлашган, эшиги устига «Абу Али ибн Сино номидаги Халқаро халқ табобати академияси аъзоси, академик Рустам ҳожи Боймуродов» деб ёзилган дўконча остонасида одам тирбанд.

СОХТА «АКАДЕМИК»НИНГ «КАШФИЁТИ»

Телевидение ва радио реклама матнлари жуда ҳам ҳайратланарли: «Мамлакатимиз доришуносларининг турли хасталикларидан фориғ бўлишда «Асқоргул-5» препаратини таклиф қилишади. Ушбу табиий дори воситаси ёрдамида барча турдаги гижжа касалликларини 3 кундан 5 кунгача кафолатли даволаш мумкин...» Шундан кейин бу дорининг бошқа йигирмага яқин касалликларни шакшубҳасиз даволаши уқтирилиб, беморлар Рустам Боймуродовнинг муолажа хонасига таклиф қилинади. Табиийки, бундай рекламани эшитган, кимёвий дори-дармондан безган бемор манзили кўрсатилган дўконча-га югуради.

Рустам Боймуродов дўконига ташриф буюрган ҳар бир беморга нархи ўн беш-йигирма минг сўм бўлган, устига «Оғирлиги 60 грамм» деб ёзилган «Асқоргул-5» деб номланган кукун берилади. Қути ичидаги «Препаратни қўллаш бўйича йўриқнома»да қуйидаги матн ёзилган:

«ЎзРССВ фармокология қўмитаси томонидан тасдиқланган, Протокол №
Савдо номи «Асқоргул-шифо»
Дори шакли — кукунсимон.
Таркиби: ёғсимон шувоқ ўти.
Тукли баргли хандемия гуллари.
«Асқоргул-5» препаратини қўллаш бўйича йўриқнома...
...Бу препарат қонни тозалайди, иммун системани кучайтиради, овқат ҳазмини яхшилайди, соч тўкилишини тўхтатади, тери оқаришини даволайди, асаб системасини мустаҳкамлайди, жигар ва талоқ тиқилмаларини очади, бронхиал астма, юрак касалликларини даволайди. Буйрак, ўт қопи, туз ва тошчаларни тўкади. Простата бези ишини тиклайди, кўз нурини оширади, тана вазнини ошириб, бўйни ўстиради.
Мушаклар ва суяклардаги оғриқни тўхтатади. Камқонликни даволайди.»

Ана, холос. Қутининг устига «Биологик фаол қўшилма» деб ёзилган бўлса, нега қути ичидаги қоғозда дори деб уқтирилади. Бунинг устига, инсон баданидаги жами касалликларни даволашда қўлланилишига нима дейсиз? Тўхтанг-чи, бу дорими ёки шунчаки профилактика учун ишлатиладиган бирор-бир ашёми? Қоғозда «ЎзРССВ фармокологик қўмитаси томонидан тасдиқланган» деган ёзув бор.

Ие, буёғи қандоқ бўлди? Ахир Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситаларини назорат қилиш Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган доригина ишлаб чиқаришга тавсия қилинади-ку? Ишлаб чиқарувчи ташкилотга фаолият шакли (дори ишлаб чиқариш)-ни амалга ошириш учун рухсатномани ҳам худди шу бошқарма беради. Демак, юқоридаги ёлғон маълумотлар «Академик Рустам ҳожи Боймуродовнинг ижоди» экан-да?!

«Асқоргул-5» биологик фаол қўшилмасининг техник шартларида «Гижжага қарши қўшимча озуқа маҳсулоти сифатида фойдаланишга мўлжалланган» деб маълумот берилган. Техник шартларни пуллик хизмат сифатида ишлаб берган дори воситалари стандарти илмий маркази деб номланган нодавлат масъулияти чекланган жамиятининг мамлакат доришуносларининг номидан гапиришга ёки «Асқоргул»нинг ишлаб чиқаришига рухсат беришга ҳеч бир ҳаққи йўқ. Унда бу ёғи қандоқ бўлди?

Радио ва телевидениенинг баландпарвоз рекламаларидан қулоқлари баданг бўлган бемор умид билан Рустам Боймуродов дўкончасига ташриф буюради. «Академик», энг аввало, кичиккина бир қоғозчанинг тўртинчи рақам билан белгиланган, «гижжа таҳлили» ёзувининг остига чизиб, туман касалхонасига қарашли лабораториядаги «ўзининг ишончли лаборанти»га юборади. У ерда лаборантга пул тўлаб, таҳлилдан ўтган бемор яна қайтиб Рустам Боймуродов ҳузурига келади ва албатта, унинг қўлига «Асқоргул-5» тутқазилади. «Асқоргул»дан фойдаланган бемор яна «ТАБИБ» ҳузурига ва яна ўша «лаборант» ҳузурига қатнагандан сўнг шубҳасизки, ўша лабораторнинг гувоҳлик беришича, гижжадан тўла халос бўлади.

Буни қарангки, гижжа муаммосини «Академик-табиб» икки хил гиёҳ билан оддийгина усулда «ҳал қилган». Фақат 60 грамм миқдордаги бу кукун анча қиммат туради. Бемор қўлига тутқазилаётган «йўриқнома»да ёзилган «ёғсимон шувоқ ўти»ни ҳали табиатда мавжуд эмаслигини, оддий шувоқ эса юртимизнинг ҳар қадамида учрашини бечора бемор қайдан ҳам билсин?

Яна бир гап. Радио ва телевидение раҳбарлари Р. Боймуродов томонидан тақдим қилинган санитария-гигиена ва мувофиқлик сертификатининг касалликларни даволаш ҳақида реклама бериш ҳуқуқини бермаслигини билмасмиканлар? «Асқоргул-5» Деновдаги Р. Боймуродовнинг «Асқоргул-шифо» деб номланган ўсимлик дори воситалари ишлаб чиқарадиган хусусий ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулоти эканлигини беморлар қўлига тутқизилаётган талқон қутисидан биласиз. Мувофиқлик сертификатини берган Ўзбекистон Республикаси Синов ва сертификатлаш марказининг Сурхондарё вилояти бўлимидагилар «Асқоргул-шифо» корхонаси фақат қоғозда мавжудлиги, «Асқоргул-5» деб номланган кукун Р. Боймуродов хонадонида қўлаки усулда санитария талабларига мутлақо жавоб бермайдиган халтачаларга солиниб тарқатилаётганидан хабардор бўлмасалар керак.

Ўзини ҳамма жойда академик деб таништираётган, шахсий думалоқ муҳрида ҳам «Академик Рустам ҳожи Боймуродов» деб ёзилган бу инсоннинг қўлида «Халқаро Ибн Сино академияси»нинг № 021 рақамли дипломи бор. Москва шаҳридаги бу ташкилотнинг мақсади Ибн Сино таълимотини ривожлантириш экан. Бу диплом «Самарали даволаш препаратларини ишлаб чиққанлиги учун» 1995 йилнинг 16 августида Р. Боймуродов академиянинг ҳақиқий аъзолигига сайланганлигини тасдиқлайди. Аммо Р. Боймуродовнинг 1995 йилда «Самарали даволаш препаратларини ишлаб чиққанлиги» ёки кашф қилганлиги ҳақида на Москвада ва на Деновда бирор-бир ҳужжат мавжуд эмас.

Москвада бундай «халқаро» ташкилотлар сон-саноқсиз ва бундай дипломлар ҳар қадамда муайян пул эвазига тақдим қилиниши маълум. Қолаверса, қайси чет элда бўлмасин, ҳар қандай ташкилот томонидан берилган илмий даража ва унвонлар мамлакатимиздаги расмий идоралар қайд қилгандан сўнг қонуний кучга эга бўлади.

Рустам Боймуродовнинг асли мутахассислиги врач, шифокор. 1976 йилда Тошкент тиббиёт институтини тугатган. Аммо негадир у «врачман» дегиси келмайди, «Академик табибман» дейди. Р. Боймуродов врач сифатида Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсати асосида даволаш ишлари билан шуғулланса бўлади, лекин у учун табиблик қулай. Ахир, 60 грамм кукунни ўн беш-йигирма минг сўмдан пуллаб тургандан кейин врачлик на даркор?

Врач бўлиб туриб, саратон, СПИД (ОИТС) хасталикларини даволайман деса, ҳеч ким ишонмайди. Табиб, сифатида шу касалликларни даволайман деб одамларни лақиллатиш мумкин...

Энг қизиғи, инсон саломатлигини асраштдек савоб ишни бизнес-тижоратга айлантирган «табиб»нинг ҳаракатларига маҳаллий ҳокимият, соғлиқни сақлаш, солиқ ва ҳуқуқ-тартибот идоралари негадир томошабин бўлиб қараб туришибди. Бунинг сабаби не экан?

Абдуқодир САТТОРОВ.

Жаҳон чемпионати кундалиги

Порламаган «юлдузлар»

Яна саноқли кунлардан сўнг Германияда давом этаётган 18-жаҳон чемпионати ўз ғолибини аниқлайди.

Бугун Дортмунд шаҳрида Тошкент вақти билан 24.00 да Германия — Италия терма жамоалари биринчи ярим финал учрашувини бошлаб беришади. Эртага Мюнхен шаҳрида Франция — Португалия жамоалари ўртасида иккинчи ярим финал учрашуви ўтказилади.

Энди дам олиш кунлари ўтказилган чорак финал ўйинлари ҳақида. Франция терма жамоаси юлдузлар таркиби жамланган Бразилия футболчиларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионатидаги энг шовшувли натижани қайд этди, деб бемалол айтиш мумкин. Ғалаба тўпини 57-дақиқада Зайниддин Зиданнинг чиройли тўп оширишидан сўнг Тьери Анри киритди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, беш карра жаҳон чемпионлари шу куни ташаббусни тўлиқ европалик футболчиларга бериб қўйишди. Жаҳон чемпионатида ишқибозлар Роналдиньодан кўп нарса кутишган эди. Афсуски, у ўз ўйинлари билан ишончни оқлай олмади. Аксинча, мутахассислар томонидан жуда кўп танқидга учраган Зайниддин Зидан ўзининг чиройли ҳаракатлари ва маҳорати билан барчани хушнуд этмоқда. Португалия терма жамоаси эса пенальти тепиш борасида Англияни ортда қолдирди.

Дэвид Бекхэм сардорлик боғичини топширди

Жаҳон чемпионатини кўзида ёш билан тарк этган Англия терма жамоаси сардори Дэвид Бекхэм сардорлик боғичини бошқа футболчига топширишини маълум қилди.

— 2000 йилда Питер Тейлор менга сардорлик боғичини топширган эди, — дейди у. — Мен ўтган олти йил мобайнида Англия терма жамоасини майдонга олиб тушдим. Бундан кейин ҳам севимли терма жамоамга, янги сардорга доимо ёрдам беришга тайёрман.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Англия терма жамоаси бош мураббийининг ҳам ўзгариши кутилаяпти. Энди жамоани Свен Еран Эриксон ўрнига Стив Макларен бошқариши мумкин.

Украина футболчилари тақдирланди

Украина футболчилари жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этаётганлигига қарамай, анча ишончли ўйин намойиш этишди. Кучли саккиз жамоа сафидан жой олишди.

Терма жамоа аъзолари мамлакатнинг Борисполь аэропортида катта тантана билан кутиб олинди. Украина оила, ёшлар ва спорт вазири Юрий Павленко терма жамоа футболчиларига «Хизмат кўрсатган спорт устаси», мураббийларга эса «Хизмат кўрсатган мураббий» унвонларини топширди, деб хабар беради «Интерфакс — Украина».

Сухандоннинг ишқибозлиги

Жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси Берлин шаҳридаги Олимпия стадиони сухандонини вазифасидан озод қилди.

Гап шундаки, Германия — Аргентина учрашувида сухандон мухлисларга майдон эгаларини қўллаб-қувватлашини даъват қилган эди. ФИФА қоидаларига кўра, жаҳон чемпионатлари вақтида сухандон бетараф бўлиши керак.

Катта футбол катта экранда

Жаҳон чемпионатини ўзбекистонлик мухлислар ҳам зўр қизиқиш билан кузатиб бораяптилар. Ишқибозларга қулайлик яратиш мақсадида биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўндан ортиқ жойларга катта экранлар ўрнатилган.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Т. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

ИИВ матбуот маркази хабар қилади

Ичкиликбозлик касофати

Тошкентлик А.Ивановнинг уйида эрталаб соат 5 дан 2 дақиқа ўтганда ёнғин чиқди. Қўшнилар уни ўчиришгач, ушбу хонадонда вақтинча ижарада яшаган 33 ёшли Умида Йўлдошеванинг бошига тўмтоқ жисм билан уриб ўлдирилган ва қуйган ҳолатдаги жасадига дуч келишди.

Тезкор тергов натижасида ушбу жиноятни содир этган шахслар қўлга олиндилар. Маълум бўлишича, Ш.Андрей, И.Бахтиёр ва Р.Бахтиёр исмли бу йигитлар биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишган, сўнгра ўзаро жанжаллашиш оқибатида Умидани уриб ўлдириб, хонага ўт қўйиб қочиб кетишган экан.

Гиёҳвандфуруш қўлга тушди

Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги Сардоба қўрғонида жойлашган деҳқон бозори олдида Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидан келган Т.Илҳом 2 кг. марихуанани 500.000 сўмга сотаётганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

Даладаги бола

Уйчи тумани ҳудудидаги ариқ бўйидан бир кунлик чақалоқ қиз топилиб, шифохонага топширилди. Қидирув ишлари якунида унинг онаси аниқланди. 20 ёшли Н., турмушга чиқмаган бўлса-да, ҳомиладор бўлиб қолган, гуноҳини яшириш мақсадида болани туғиб, далага ташлаб кетган экан.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан тергов олиб борилмоқда.

16 ёшли ўғри

Қаршилик С.Ҳамидова ички ишлар бўлимига номаълум кимса уйига кириб, 2.400.000 сўм пули ва 5 турдаги заргарлик буюмини ўғирлаб кетгани ҳақида мурожаат қилди.

Кейинчалик ушбу ўғирликни 16 ёшли Қ.Баҳодир содир этгани аниқланиб, ундан далилий ашёлар олинди.

Уч оғайни... талончи

Уч номаълум шахс Янгиер шаҳрида Чироқчи туманида истиқомат қилувчи С.Соатовга эўравонлик қилиб, унинг «КамАЗ» автомашинасидан 180 шиша пиво, «Хайрун» русумли телевизор ва 100.000 сўм пулини олиб кетгандилар. Бироқ узоққа боролмадилар. Тезкор қидирув ходимлари «уч оғайни ботир»лар боёвутлик Шербало, Муса, Рашид эканликларини аниқлашди. Шунга кўра, уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Исмоил МИНОВАРОВ, ИИВ матбуот маркази ходими, майор.

Ғоя учун мукофот

«LG Electronics» компанияси мамлакатимиз ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш йўлида ҳам бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, компаниянинг пойтахтимиздаги ваколатхонаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда мана, уч йилдирки, "Йилнинг энг яхши ғояси" танловини ўтказиб келмоқда. Ушбу ижтимоий дастурдан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини ўстиришдан иборатдир.

Танлов шартлари эса, ғоянинг янгилиги, оддийлиги, уни амалга ошириш даражасининг юқорилиги ҳамда самарадорлиги каби тоифаларга бўлинади.

Кеча мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари талаба ва ўқувчилари ўртасида ўтказилган танловнинг "Менинг ноёб ғоям" номинацияси бўйича ғолиблари аниқланди. Ғолибликни қўлга киритган 11 ёшгача бўлган мактаб ўқувчиларидан 3 нафари, 17 ёшгача бўлган лицей, коллеж ўқувчиларидан ҳам шунчаси, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 3 нафар бакалавр ва магистр компаниянинг қимматбаҳо совғаларини қўлга киритдилар. Тўққиз нафар ғолиб орасидан энг яхши ғоя муаллифи эса, Гран прини, яъни Кореяга бепул саёҳат йўлланмасини қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

2008R/279

MANNESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86. E-mail:asm-uz@yandex.ru

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ жамоаси жамиятга қарашли Беруний қурилиш-монтаж бошқармаси раҳбари, Коммунал хизмат аълочиси **Шерипбай ТУРИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва журналистика факультети жамоаси Услубият ва таҳрир кафедрасининг мудири, филология фанлари номзоди, доцент **Ирисали ТОШАЛИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими **Баҳодир МУҲАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар кафедрасининг доценти Юсуф Ҳамдамовга онаси **Хосият ая УБАЙДУЛЛАХЎЖА қизининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

(т) -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 6